2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

11 (613)

2008 йил 12 март

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Флорида — Гулзорнинг ёш меъмори
▶ Мадаминжон мойжувозни "тескари" айлантирди

3
▶ Томорқани бўш қўйиб, даромадни бой берманг!
▶ Оғуфурушнинг "арзимаган" айби...

4
▶ Оркестор ижросидаги "Муножот"
▶ Кўзи ожизлар учун TV мослама

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

11 март куни Оқсаройда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи самарали бўлганини, ушбу саммит мамлакатларимиз тараққиётига, халқларимиз фаровонлигини оширишга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мазкур ташриф икки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — деди Ислом Каримов. — Ўтказилган музокаралар мамлакатларимизнинг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда, халқларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва қардошлик муносабатларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги гуманитар алоқалар, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ,ҳамкорлик ҳақида тўхталди. Туркманистон Президентининг мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги самарали фаолиятини қайд этди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори унвони берилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу юксак илмий унвон дипломи тантанали равишда топширилди ва докторлик мантияси кийгизилди.

Гурбангули Бердимуҳамедов бундай юксак эътибор учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

— Биз бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам ўзаро илмий ва амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдормиз, — деди Туркманистон Президенти.

Шу куни Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси янги биносига пойдевор қўйиш маросимида қатнашдилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов янги бинонинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ташаббуси билан тузилган лойиҳасига юқори баҳо берди. Бунёд этилажак ушбу элчихона ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туришини, пойтахтимиз кўркига-кўрк қўшишини қайд этди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйилиши Ўзбекистон—Туркманистон муносабатлари изчил тараққий этаётганидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари номидан келажак авлодларга нома битилган капсула бино пойдеворига қўйилди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон «СамАвто» заводида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Бу ерда 2007 йилдан «ISUZU» русумли автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «СамАвто» машиналари фақат мамлакатимизда эмас, балки қўшни юртларда ҳам аҳолига хизмат қилмоқда.

Гурбангули Бердимуҳамедов заводнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланганига юқори баҳо берди. Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корхона билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳамедов Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди ҳамда Улуғбек расадхонаси билан танишди.

Туркманистон Президенти Самарқанднинг тарихий обидалари ҳам, бетакрор, замонавий қиёфаси ҳам кишини ҳайратга солишини, ўчмас таассурот қолдиришини эътироф этди.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташриф 2007 йилнинг октябрь ойида Ашхободда ўтган Ўзбекистон—Туркманистон саммитининг мантиқий давоми бўлди. Ташриф асносида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўз тараққиётининг янги палласига кирганидан, ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан ёрқин далолатдир.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 20 865 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 41 330 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 20 865 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 41 330 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 25 030 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ ҳаражатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 5 март

Андижон вилояти

Андижон шаҳрида замонавий Ёшлар марказини бунёд этиш ишлари жадаллик билан бошланиб кетди.

ЁШЛАР МАРКАЗИ

Айтиш жоизки, Марказда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун замонавий шарт-шароитлар яратилади. Иншоотнинг ертўла қисмидан сузиш ҳавзаси ҳамда спорт зали жой олади. Бино лойиҳасига кўра, биринчи қаватда тўй ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган маросимлар зали жойлашади. Иккинчи қават ёшларнинг билим ва ҳунар эгаллашида ёрдам берадиган техника, адабиёт ва бошқа зарур воситалар билан тўлдирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу масканда ёшларга тил ва ҳунар ўргатадиган 20 дан ортиқ марказлар фаолияти йўлга қўйилади. Қолаверса, бинонинг учинчи қаватида сартарошхона, гўзаллик салони ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа шахобчалар ташкил қилинмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган Ёшлар марказида 500 нафардан зиёд йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

У.САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Ҳашарда бир ғайрат қилар эканмиз-да!..

Юртимизда 15-16 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади

ЮРТНИ ОБОД, КЎНГИЛНИ ШОД ЭТАЙЛИК!

— Укаларимни уйлантиргач, отамдан қолган уйда сиқилишиб қолдик, — деб хотирлайди ёшлик чоғларини бобом. — Бир куни маҳалламизнинг уч-тўрт нафар оқсоқоли ҳашар қил, уй қуришингга ёрдамлашайлик, дейишди. Эрта саҳардан ёшу қари йиғилди. Кимдир тўсин, кимдир ром, кимдир эшик, яна кимдир шох-шабба, сомон келтирди. Қўшни аёллар чалпак, қатлама, ош, айрон олиб чиқишди. Хуллас, ҳашар қилиб бир кунда икки хонали уйни тиклаб, томини ёпиб олдик. Лойсувоқ уйга кўчиб ўтганимизда биздан бахтли одам йўқ эди...

Бобомнинг айтишича, ўша кезларда уй-жойдан қийналиб юрган яна бир неча оилалар ҳам оқибатли маҳалладошларни ҳашарга чорлаб, бошпанали бўлишган экан. Ҳовлимизда бўлган ҳашарни олтмиш йилдан кейин ҳам бобом кўзда ёш билан эсга олади, маҳалладошларидан қай даражада миннатдорлигини ифодалашга сўз тополмайди, набираларига, эвара-чевараларига сўзлаб беришдан чарчамайди...

Бу мисол орқали маҳаллада уюштирилган ҳашарнинг бир оила тақдирида қолдирган ўчмас изини кўриш мумкин. Энди бутун мамлакатимизда анъанавий равишда ўтказиб келинаётган умумхалқ хайрия ҳашарининг миқёси, моддий ва маънавий кўлами қай даражада юксак бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а.

Мана, бугун қишнинг қорли-изғиринли кунлари ортда қолиб, замин бағрига илиқлик югурди. Кўклам ўз кўрку тароватини, ҳусну жамолини кўз-кўз этмоқда. Ҳузурбахш баҳор ҳавоси инсонлар руҳиятига таъсир этиб, қалбларни қувончга, эзгу ҳисларга тўлдирмоқда. Сўз санъати усталари бежиз қишни тунга, баҳорни эса тонгга қиёс этмайдилар. Дарҳақиқат, тонг — янги кун дебочаси, тонгда қилинган дуолар ижобат, бажарилган ишлар эса баракотли бўлади. Кўклам нафаси еру кўкни тутиб, набототу ҳайвонот дунёси уйғонаётган, яшараётган бир пайтда инсон ҳам хайрли ишларнинг бошини тутгиси, табиатга тақлид қилиб, ўз қўли билан гўзаллик яратгиси, кўнгли ўксик дилларга эса қувонч улашгиси келади. Зеро, Юсуф Хос Хожиб айтганидек,

Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели,
Оламга очилди жаннатнинг йўли.

Шу кунларда юртимизда Наврўз байрамига тараддуд қизғин. Халқимиз азал-азалдан Наврўз — янги кун арафасида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта аҳамият қаратган. Шукрки, бу хайрли ва эзгу анъана ҳамон барҳаёт. Зеро, ҳар йили байрам арафасида юртимиз

бўйлаб ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарларидан мақсад Наврўзга муносиб тайёргарлик кўриш, улуғ айёмни ораста хонадонда, обод маҳаллада кутиб олиш, байрам сайлини файзли кўча ва сайилгоҳларда нишонлашдир. Қолаверса, атрофнинг ободлиги ва кўркамлиги байрам арафасида ва айём кунларида юртдошларимизнинг кайфиятига яна-да кўтаринкилик бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан 2008 йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари, 15-16 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилингани заминимиз бағридаги кўкламги илиқлик, ҳамюртларимиз қалбидаги баҳорги шукуҳ, ғайрат-шижоатга ҳамоҳанг бўлди. Одатда, ҳар йили ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бир ой давом этарди. Жорий йилда аҳолининг талаб ва ташаббусларидан келиб чиққан ҳолда унинг икки ой муддатга белгиланиши ҳам хайрлидир. Мақсад — савоб амалларни кўпроқ амалга ошириш учун имкон яратиш, жаннатмонанд юртимизнинг бундан-да обод, кўркам бўлишини таъминлашдир. Умумхалқ хайрия ҳашари икки кун давом этиб, юртдошларимиз ҳашарнинг биринчи кунини иш жойларида, иккинчи кунини эса ўз хонадонларида, маҳаллаларида ўтказадилар.

Ҳашар кунлари турар-жой мавзеларида, маҳаллаларда дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади, ниҳоллар парваришланади, кўча ва йўлкалар, ариқ-зовурлар тозаланади. Гузарлар, хиёбон ва зиёратгоҳлар, қабристонлар тозаланиб, болалар майдончалари тартибга келтирилади.

Умумхалқ тадбирини уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳашарчиларни зарур меҳнат қуроллари, техника воситалари, керакли анжомлар, дарахт ва гул кўчатлари билан таъминлаш маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, ҳамда фаолларидан катта масъулият талаб этади. Ҳашарнинг умуминсоний моҳиятини ҳар бир фуқаро онгу шуурига етказишда ва ёшу кексани эзгу ишга кенг жалб қилишда уларнинг ўрни айниқса, аҳамиятли.

Ҳашар кунлари бева-бечоралар, ёлғиз қариялар, ногирон инсонлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади, кўнгил сўраб, меҳр-мурувват кўрсатилади. Турар-жойлари таъмирлаб берилади, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Ҳашарни инсонларга меҳр-оқибатдан, одамийликдан сабоқ берувчи бебаҳо тарбиявий тадбир ҳам дейиш мумкин. У инсонлараро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди, ёшлар қалбига маҳалла-кўйга, она Ватанга муҳаббат уруғини қадайди. Ёшлар йилида ўтказилаётган ушбу умумхалқ ҳашарида айниқса, ёшларнинг фаол иштирок этиши кутилмоқда. Кўчат экиш, дарахтларни буташ ва уларга шакл бериш ҳаётий тажриба ва кўникмани талаб этади. Ҳашар баҳона кексаларимиз ёшларга ўз билганларини ўргатсалар, бу келгусида ёшлар учун ҳам сабоқ, ҳам тажриба мактаби бўлиши шубҳасиз.

Ҳар биримизда ташаббус бор, тажриба бор. Қайси кўчат қандай ҳосил беришини, қайси гул ғунчаси очилганда қандай ифор таратишини биламиз, шундан келиб чиқиб хонадонимизни, томорқамизни боғу бўстонга айлантиришга интиламиз. Ҳашар кунлари ана шу ибратли ташаббусни хонадонимиздан маҳалла миқёсига олиб чиқишимиз зарур.

Умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан вазирлик ва идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақлари "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобига ўтказилади. Ушбу маблағлар "Ёшлар йили" Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, эҳтиёжманд юртдошларимизни, иқтидорли ва ногирон ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, "Меҳрибонлик", "Мурувват", "Саховат" уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Ҳашар, нафақат юртимиз, маҳаллаларимиз, балки энг аввало кўнгилларимиз ободлиги учундир. Зеро, умумхалқ хайрия ҳашарига ҳисса қўшган инсон борки, кўнгил-руҳияти ёришиб, савоб, хайрли ишга дахлдорлигини ҳис қилиши аниқ.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ ОРОЛБЎЙИДА

"Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, оқибатларини енгиллаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чоралари" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари Мўйноқ туманида бўлдилар.

Халқаро анжуман иштирокчилари дастлаб Мўйноқ туманидаги Оролбўйида денгиз тубини кўкаламзорлаштириш ишларининг аҳволи билан танишдилар. Уларга минтақадаги экологик аҳвол, ҳудудда амалга оширилиши кўзда тутилаётган вазифалар, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этиш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Анжуман иштирокчилари туман марказий шифохонасида ҳам бўлиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

— Германия билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди Германия федерал иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги бошқарма бошлиғи Рольф Балдус. — Хусусан, Оролбўйи минтақасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, Орол денгизи тубини кўкаламзорлаштириш орқали тузли чанг-тўзонларнинг ҳавога кўтарилишининг олдини олиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб келмоқдамиз. Келгусида ушбу минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

2008 йил — Ёшлар йили

Самарқанд вилояти

Мурғак қалблар ўксимасин!

Республикамизда 28 та «Меҳрибонлик» уйи мавжуд. Улардан фақат биттаси уй-мактаб шаклида ташкил этилган бўлиб, бу маскан Самарқанд шаҳрида жойлашган 10-сонли «Меҳрибонлик» уй-мактабидир. Айни пайтда мазкур «Меҳрибонлик» уйида турли миллатга мансуб 146 нафар бола тарбияланиб, вояга етмоқда. Уларга 14 нафар ўқитувчи, 22 нафар тарбиячи, 11 нафар тўғарак раҳбари меҳр билан таълим-тарбия бериб келишяпти.

— Тарбияланувчиларимизнинг ҳар жиҳатдан камол топиши, етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча имкониятларни ишга солганмиз, — дейди 10-сонли «Меҳрибонлик» уй-мактаби директори Салоҳиддин Латипов. — Аввало, болаларни тўйимли, дармондориларга бой озиқ-овқатлар билан таъминлашга эътибор қаратамиз. Табиий матолардан тикилган, сифатли кийим-бош, пойабзаллар ҳам етарли.

Таълим-тарбия масаласига келсак, бу борада тажрибали ўқитувчиларимиз, мураббийларимизнинг меҳнати эътирофга лойиқ. Фанлар бўйича билим олишдан ташқари, болаларимиз мусиқа, рақс, тасвирий санъат, спорт тўгаракларига қатнашадилар. Ўтган йилги ўқув мавсуми якунига кўра, барча фанларни аъло баҳога ўзлаштирган илғор ўқувчиларимиз сони 59 нафарга етди. «Меҳрибонлик» уйлари ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловида «Энг яхши таълим-тарбия дастури»ни ишлаб чиққан «Меҳрибонлик уйи» йўналишида айнан бизнинг муассаса ғолиб бўлганидан ғоят қувондик. «Меҳрибонлик» уйининг энг яхши тарбиячиси» йўналишида ҳам тарбиячимиз Мавлуда Ҳайитова ғолиб бўлди. «Меҳрибонлик» уйининг ёш доирачилар жамоаси эса «Зарб — 2007» кўрик-танловининг республика босқичида II ўринни қўлга киритди. Мактабимизда ташкил этилган «Бинафша» фольклор дастасида иштирок этаётган болаларимизнинг ижоди ҳам таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари, болаларимиз қатнашадиган кулолчилик, миллий қўғирчоқбозлик, дизайн, чангчилар ва якка хонандалар гуруҳлари, аквария тўгараклари фаолияти ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, эътиборидан мосуво бўлиш ҳар қандай бола қалбини, руҳиятини оғир жароҳатлайди. Бундай жудоликка биз катталар базўр кўникамиз, булар эса ҳали мурғак. Бундай ўғил-қизларнинг оиласи билан яшаётган тенгдошлари олдида кўнгли ўксимаслиги учун уларнинг масканимиздаги ҳаётини мазмунан бойитишга, меҳр кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бу борада ҳукуматимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ғоятда миннатдормиз. Хусусан, ўтган йили жамоамизга «Исузу» микроавтобуси тақдим этилиши болажонларимиз учун энг қувончли воқеа бўлди. Эндиликда тарбияланувчилар учун турли зиёратгоҳларга, хушманзара табиатли гўшаларга саёҳатлар уюштиряпмиз.

Ҳомийларимизга раҳмат — уларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлари туфайли ўксик қалблар қувончга тўляпти. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда Ички ишлар бошқармаси кўмаги билан тўрт ярим миллион сўмлик доридармонлар, мебель ва спорт анжомлари сотиб олдик.

Умуман олганда, ўтган ўқув мавсуми давомида ҳомий ташкилотлар томонидан масканимизга жами ўттиз миллион сўмлик кўмак кўрсатилди. «Меҳрибонлик» уй-мактабимиз ҳовлисининг бир томони девор билан ўралмаган. Бино томининг бир қисми ҳам таъмирталаб эди. Айни кунда ҳомийлар ёрдамида ана шу муаммоларни бартараф этишга киришганмиз.

Рустам ҲАЙИТОВ,
«Mahalla» мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ёшлар сиёсати амалга оширилишини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи».

Хоразм вилояти

МЕЪМОР ҚИЗНИНГ ОРЗУСИ

Фойдаланиш учун ҳар томонлама қулай, қишлоқ ва шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшадиган иморатлар қандай бунёд этилиши керак? Биз ҳам аждодларимиз каби авлодларга муҳташам ва мустаҳкам иморатлар қолдиришимиз жоиз эмасми?

Шу каби саволлар Флоридани доимо ўйлантиради, изланишга ундайди. Ўзига хос дид ва маҳорат билан чиройли қилиб қурилган иморатларни кўрса, дарҳол қўлига қоғоз-қалам олиб чизмасини чизиб олишининг, янги лойиҳалар, чизмалар яратишда ундан фойдаланишининг боиси ҳам ана шундан. Флорида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилган “Келажак овози” мегатанлови эълон қилинганидан хабар топгач, лойиҳаларидан бир нечтасини мазкур танловга тақдим этишга қарор қилди. Унинг “Маҳаллаларда замонавий пастқаватли ва кўпқаватли турар-жойлар”, “6040 аҳолига мўлжалланган кичик шаҳарча” каби миллий ва замонавий меъморчилик услубларини мужассамлаштирган ҳолда маҳаллий ҳамда табиий шароитларни назарда тутиб ишлаб чиққан лойиҳалари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди — Флорида танловнинг республика босқичида ғолиб бўлди.

— Муваффақиятга эришишимда Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежидаги устозларим — Ҳайитбой Абдуллаев, Худойшукур Чориев, Муҳаммад Самандаровлар катта ёрдам беришди, — дейди Флорида Худойберганова. — Айни пайтда коллежнинг “Меъморчилик ва дизайн” бўлимида таҳсил оляпман. Келгусида шу соҳа бўйича олий маълумот олиб, етук меъмор бўлиш орзусидаман.

— Фарзанд қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаб, уни рўёбга чиқариш аввало ота-онага боғлиқ, — дейди Гулзор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Саломат Очилова. — Флориданинг отаси — Мирзо Худойберганов ва онаси — Зулфия Хабибулина “Ёш техниклар” марказида ишлашади. Улар маҳалламиз ёшларига касб-ҳунар ўргатишга, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга жонкуярлик қилишади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Флориданинг эришган ютуқларида ота-онасининг ўрни муҳимлигини алоҳида эътироф этиш керак. Айни пайтда меъмор қизимиз маҳалламизда қурилиши режалаштирилган гузар лойиҳасини тайёрлаш устида иш олиб боряпти.

Абдулла САФОЕВ,
“Mahalla” мухбири.

Қашқадарё вилояти

АЙРИТОМда АГРОБИЗНЕС КОЛЛЕЖИ

Айритом қишлоғи Чироқчи туманининг Самарқанд вилояти билан чегарадош ҳудудида жойлашган. Ҳозирда қишлоқ аҳолисининг 70 фоизини, яъни 11 мингдан зиёдроғини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишлари учун қишлоқда 8 та мактаб фаолият кўрсатяпти.

Яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. “ДИАС” фирмаси бунёдкорлари томонидан замонавий кўринишда барпо этилган 130-сонли ўрта мактабнинг қурилиш ишлари учун 366 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 540 ўринга мўлжалланган Чироқчи Агробизнес коллежининг фойдаланишга топширилиши ҳам қишлоқ ёшлари учун яна бир қулайлик бўлди. 1 миллиард 670 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мазкур коллеж вилоятдаги “Паҳлавон” қурилиш фирмаси қурувчилари томонидан бунёд этилди. Муҳими, коллежга 470 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари келтириб ўрнатилди.

— Коллежимизда айни пайтда 300 нафар талаба олти йўналиш бўйича таҳсил олмоқда, — дейди Агробизнес коллежи директори Саид Нишонов. — Мазкур йўналишлардан 3 тасида фермерлик соҳаси учун зарур бўлган мутахассислар тайёрланади. Энг муҳими, бу ерда қишлоқ ёшларининг аграр соҳага оид билимларни ўзлаштиришлари учун барча имконият ва қулайликлар мавжуд.

Шуҳрат ҲАЙИТОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳрида замонавий спорт иншоотларини бунёд этиш ва реконструкция қилиш ишлари қатъий режа асосида, жадал суратларда олиб бориляпти. Жумладан, яқинда Нукус спорт коллежининг ёпиқ сузиш иншооти пойдевори қуриб битказилди.

ЎЙИНГОҲЛАР БЕЛЛАШУВГА ШАЙ БЎЛАДИ

Шунингдек, «Турон» ўйингоҳи ҳамда 600 ўринга мўлжалланган коллеж биносини реконструкция қилиш мақсадида жами 6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж юмушлари бажарилди. Бу иншоотларни замонавий кўринишга келтириш учун яна 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарф этилиши кўзда тутилган.

Мазкур иншоотлар жорий йилда Қорақалпоғистонда ўтказиладиган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари иштирокчиларини қабул қилади.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

БЕКОБОДнинг ЁШЛАРИ БЕКОРЧИ ЭМАС!

Бекобод шаҳридаги Нурли йўл маҳалласида яқинлашиб келаётган Наврўз умумхалқ байрами олдидан фуқаролар йиғини, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Маҳалладаги Собир Раҳимов номли кўчадан шаҳар шоҳбекатигача бўлган масофадаги кўча таъмирланиб, равон йўлга айлантирилди. Даҳалар оралиғидаги уйларнинг ёритгичлари янгиланди.

Ёшлар йили муносабати билан ёш оилаларга алоҳида эътибор берилаётир. Чунончи, ёш оилалардан 5 нафарига ипотека кредити олишда кўмак берилди. Ўтган йили маҳалла ёшларининг 25 нафари ишга жойлаштирилган бўлса, жорий йилда яна 30-35 нафарини иш билан таъминлаш мақсад қилиб қўйилган.

Маҳалладаги 64, 65-даҳалар, Ботир Зокиров ва Собир Раҳимов номли кўчаларни ободонлаштириш ҳамда Наврўз байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга замин яратиш борасидаги юмушларда «Ўзметкомбинат» АИБ маъмурияти кўмакдош бўлмоқда.

— Маҳалламизда Наврўз шодиёналари аллақачон бошланиб кетди, — дейди Нурли йўл маҳалласи фуқаролар йиғини раиси М.Мадаминов. — Ободончилик ишларини олиб бориш билан биргаликда баҳорий тансиқ таомлар ҳам тайёрланмоқда. Шунингдек, эҳтиёжманд маҳалладошлар йўқланиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатиляпти.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Ҳаётдан олмасак сабоқ...

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бугунги кунга келиб бу ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларининг салмоқли қисми аҳолига фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан етказиб берилаётгани қувонарли ҳолдир.

ЭККАНИ — КУНГАБОҚАР, ЎРГАНИ — ҒЎЗАПОЯ(ми?)

Ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Асака туманидаги Ниёзботир қишлоғида паррандачилик билан шуғулланиб келаётган Ҳошимжон Парпиев банкдан олган имтиёзли кредити ҳисобига чорвачилик фермасини ҳам ташкил этган ва ҳамқишлоқларидан йигирма нафарини иш билан таъминлаган эди. Ўтган уч йил давомида паррандалар сони йигирма мингтага етказилиб, улардан кунига олинадиган тухумлар сони ўн икки минг донадан ошди. Шунингдек, бугун тадбиркор-фермернинг ихтиёрида 45 бош қорамол ва 35 бош қўй ҳам бор. Бу орқали ўтган 2007 йилда истеъмолчиларга ўн тонна сут етказиб берилди. Бугун фермадаги ишчилар сони 68 нафарга етган.

— Ўтган йил бошида туманимизда бўлиб ўтган тендерда қатнашиб, 140 гектарлик контурни ютиб олдик, — дейди «Парпи саховати» фермер хўжалиги раҳбари Ҳошимжон Парпиев. — Қишлоғимиздаги йигирма нафар ёшни бу ерда ишлаш учун таклиф этдик. Дастлабки йилда ҳар гектар майдондан 62,5 центнердан буғдой, 44,5 центнердан пахта ҳосили етиштиришга эришдик. Натижада олинган умумий даромадимиз миқдори 103 миллион сўмни ташкил этди.

Аслида, тадбиркорлик изланиш, янгилик яратиш деганидир. Ҳошимжон ҳам изланишлари натижасида ўтган йили қуёш нури билан иситиладиган иккита иссиқхона қурди. Аҳамиятли томони шундаки, тадбиркор бу иссиқхоналарда рўзғор учун зарур бўлган сабзавот маҳсулотларини етиштириш билан бир қаторда йил давомида ўнга яқин ҳамқишлоқларини иш билан таъминламоқда. Айни кунларда Ҳ.Парпиев тумандаги барча паррандачилик фабрикаларига зотдор товуқлар етказиб беришни режалаштирган. Унинг бу нияти амалга ошса, яна йигирма беш нафар киши ишли бўлади. Мана, сизга элим, юртим, деб яшашнинг бир мисоли.

«Нафсим менинг балодур, ўтдан ўтга солодур», деган гап бор халқ орасида. Юртимизда тадбиркорлик фаолияти орқали халол йўл билан даромад орттириш учун барча имконияту имтиёзлар яратилаётган шундай бир даврда нафсига эрк бериб, мўмай пул топишнинг қинғир йўлларини қидираётган кимсаларни кўрганимизда, беихтиёр ушбу мақолни тилга олишимиз табиий.

Жалақудуқ тумани Қатортол қишлоғидаги Қораянтоқ маҳалласида яшовчи фуқаро Мадаминжон Асқаров ўз ҳовлисида мойжувоз қуриб, тадбиркорликка бел боғлаганда «Кунгабоқар экиб, ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўяман, бундан ҳам менга, ҳам элга наф», деб ният қилган бўлса, ажабмас. Аслида буғдойдан бўшаган майдонларда кунгабоқар экиб, ундан ёғ ишлаб чиқариш озми-кўпми меҳнат талаб қиладиган ва шунга яраша даромадли иш эди. Аммо у ишнинг осон йўлини ахтариб, пахта тозалаш корхоналаридан ноқонуний равишда олиб чиқилган чигитдан ёғ ишлаб чиқара бошлади.

Қинғир иш ортидан келаётган мўмай даромад Мадаминжонни эсанкиратиб қўйди. Оқибатда у «фаолият»ига зўр берди. Аммо “кўза қунда эмас, кунида синади”, деганларидек, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари «тадбиркор»нинг қинғир ишларини фош этди.

Текшириш мобайнида Мадаминжоннинг Хўжаобод туманида яшовчи фуқаро Шоҳидахон Турғуновадан чигит олиб турганлиги маълум бўлди. Ш.Турғунованинг хонадони тинтув қилинганда сотиш учун тайёрлаб қўйилган 340 килограмм чигит борлиги аниқланди. У ушбу чигитни ўзи ишлайдиган Хўжаобод пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятидан олиб чиққанини тан олди.

Давлат санитария-эпидемиология маркази лабораториясида бу ердаги қўлбола мойжувозда ишлаб чиқарилган ёғ истеъмолга яроқсиз бўлибгина қолмай, балки инсон саломатлиги учун зарарли эканлиги ҳам аниқланди. Оқибатда уларнинг ҳар иккиси ҳам жавобгарликка тортилди.

— Биз тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳамиша ҳимоя қиламиз, — дейди Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг Жалақудуқ тумани бўлими бошлиғи Иқболжон Холматов, — Аммо юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, ҳали орамизда ҳаромни ҳалолдан фарқлай олмайдиган ёхуд кўра-била туриб қинғир ишга қўл урадиганлар ҳам бор. Бундай кимсалар ўз қилмишлари билан нафақат ўзларига ва яқинларига, балки кўпчиликка зиён етказмоқда. Демак, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Зеро, ноқонуний ишга қўл ураётган кимсалар бу хатти-ҳаракатлари оқибатларини билибгина қолмай, буни яхши англасаларгина, ўйлайманки, юқоридаги каби нохуш ҳолатлар ўз-ўзидан барҳам топади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Андижон вилояти

Олтинкўлда 26 та замонавий ҚВП бор

Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб келинаётир. Бу борада қабул қилинган ҳужжатлар ҳаётга изчил жорий этилиб, ижроси таъминланмоқда. Айниқса, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга оширишга киришилганлиги яхши самара бермоқда. Бу аҳоли саломатлигини белгиловчи кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Вилоятда ўтган йилларда даволаш профилактика муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъминлаш борасида катта ишлар бажарилди. Амбулатория, поликлиника муассасалари сони 250 тадан 423 тага кўпайди. Биргина 2007 йилнинг ўзида чет эл инвестициялари ҳисобидан 330 та қишлоқ врачлик пунктларига 36 турдаги 1 миллиард 600 миллион сўмликдан ортиқ жиҳозлар келтирилди. Бу эса қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга замин яратди. Шунингдек, мавжуд 20 та туғруқ комплексларига 300 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар етказиб берилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази вилоят филиалига 1,8 миллион АҚШ доллари қийматидаги юқори технологик тиббий аппаратлар олиб келинди.

Айни пайтда вилоят тиббиёт муассасаларида 6 мингдан зиёд врач, 23 мингга яқин ўрта тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг малакасини ошириш бўйича яхлит тизим яратилган.

Олтинкўл туман марказий шифохонаси тасарруфида 2 та шифохона, 4 та поликлиника, 26 та қишлоқ врачлик пунктларида 171 та олий маълумотли, 1139 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари 138 минг нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: *Уйсин қишлоқ врачлик пункти мудири Мавлуда Абдулҳамидова (чапдан) ва ҳамшира Ўғилой Аҳророва таҳлилхонада.*

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) **олган сурат.**

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

ПОКИСТОН:

Сешанба куни Лаҳор шаҳрида жойлашган федерал тергов агентлиги ва реклама агентлиги биноларида портлашлар содир этилди, деб хабар беради AFP. Портлаш туфайли юз берган ёнғинда федерал суриштирув биносида 16 киши, реклама агентлиги биносида эса 4 киши ҳалок бўлган ва бир неча киши оғир жароҳат олган.

Лаҳорда яна қўпорувчилик

Эслатиб ўтамиз, 4 март куни ҳарбий флот қўшинлари тайёрлаш коллежига ўт қўйилган, ёнғин оқибатида 5 нафар киши ҳаётдан кўз юмган ва 19 киши оғир жароҳат олиб касалхонага жойлаштирилган эди. 2007 йил давомида Покистонда амалга оширилган қўпорувчилик ҳаракатлари туфайли қурбон бўлганлар сони 600 нафарга етган.

ИРОҚ:

8 нафар америкалик зобит ҳалок бўлди

Бағдод шаҳрида ва Диала вилоятида юз берган портлаш оқибатида 8 нафар америкалик ҳарбий вафот этган, деб хабар тарқатмоқда Интерфакс.

Маълумотларга қараганда, террорчи-камикадзе америкалик қўшин қоровуллари олдига чиқиб ўзини портлатиб юборган. Оқибатда 5 нафар зобит ҳалок бўлган. Яна 3 нафари эса йўл ёқасида бомба портлаши оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

АҚШ:

Обама Клинтоннинг таклифини рад этди

АҚШ президентлигига номзодини қўяётган АҚШ Демократик партиясининг Иллинойс штати сенатори Барак Обама ўзининг рақиби ҳисобланмиш Нью-Йорк штати сенатори Хиллари Клинтон билан жуфтликда вице-президентликка номзодини қўйишдан бош тортди.

«Мен вице-президентликка эмас, балки Америка Қўшма Штатларининг президентлиги учун номзодимни қўймоқдаман», деди у Миссисипи штатида журналистларга берган интервьюсида.

«Мен штатлар сони борасида ҳам, овозлар кўрсаткичи бўйича ҳам Клинтондан икки баробарга ўзиб кетдим. Олдинда турган демократлар съездининг кўпчилик вакиллари ҳам менинг номзодимни қўллаб-қувватлашмоқда. Аммо шунга қарамай, иккинчи ўринда турган номзод, яъни Хиллари Клинтоннинг қандай қилиб менга вице-президентликни таклиф қилаётганини тушунолмаяпман», — дейди Барак Обама.

CNN телеканалининг таҳлилларига кўра, АҚШ президентлигига номзодини қўйиш учун Обама ва Клинтонлар олдинда турган Демократик партия миллий съездида 2025 та овоз йиғиши керак бўлади. Бироқ айни пайтда уларнинг бири 1553, иккинчиси эса 1438 та овоз йиға олган ҳолос.

Хориж матбуоти асосида Б.ФОЗИЛОВ тайёрлади.

Сурхондарё вилояти

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан қон-қардош бўлиб келган. Термиз шаҳрининг Паттакесар маҳалласида ҳам икки халқ вакиллари аҳил ва иноқ яшаб келмоқда.

Маҳалла қошида ташкил этилган «Гунеш» ашула ва рақс гуруҳи айни кунларда юртимизга келган баҳор айёмини ўзларининг шўх ашула ва куйларида тараннум этмоқда. Гуруҳ қатнашчилари маҳалла гузари боғида Наврўз байрамига тайёргарлик кўрмоқда.

СУРАТДА: *«Гунеш» гуруҳи қатнашчилари.*

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) **олган сурат.**

Ер эгаси ютуғи

Сирдарё вилояти

Қишлоқларда яшовчи аҳоли учун томорқа асосий даромад манбаи ҳисобланади. Сирдарё вилоятида аҳолини шахсий томорқалардан унумли ва оқилона фойдаланишга тарғиб этиш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан бу борада ибратга лойиқ маҳаллалар ўртасида «Энг намунали маҳалла» кўрик-танлови эълон қилинди.

Бугунги кунда бозорларимизнинг мева, полиз ва сабзавот-резавор маҳсулотлар билан тўкин бўлишида томорқадорларнинг ҳиссаси 85-90 фоизни ташкил этади. Чунончи, биргина Сирдарё вилояти қишлоқларида томорқа хўжаликларида яшнаб турган кўкатзорлар, поёнсиз лимонзору анжирзорларни кўриш мумкин.

ТОМОРҚАДА ЭКИН БЎЛСА, ДАСТУРХОН ҲАМ ТЎКИНДИР

Вилоятнинг ўзига хос ер, тупроқ ва сув шароити мавжуд бўлиб, баъзи қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли маълум турдаги сабзавот экинларини, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга тўлиқ ихтисослашган. Масалан, Мирзаобод туманининг Т.Аҳмедов номли, Деҳқонобод, Тошкент, Мирзачўл қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси асосан анор етиштирса, Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли, Ўзбекистон, Ҳақиқат, Сайхунобод туманидаги Т.Ғуломов, Қ.Султонов номли, Бирлашган қишлоқларидаги томорқа эгалари ўзлари етиштирган сархил сабзавот-резаворлар билан доврўғ таратганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 ноябрдаги «2008 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш ҳамда улардан фойдаланиш прогноз кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарорида аҳолининг шахсий ва дала томорқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўламини кенгайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган эди. Биргина Сайхунобод туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Гулистон ва Зарбдор маҳаллалари мисолида олсак, ҳудудда қарийб 50 гектар ер майдони томорқа эгалари ихтиёрига берилган. Фуқаролар йиғинидаги ҳар бир маҳалла алоҳида экин турларини етиштириш билан шуғулланади. Масалан, Гулистон маҳалласи аҳли буғдой ва маккажўхоридан мўл ҳосил олиб келаётган бўлса, шу маҳаллада яшовчи Раим Тўраев ошқовоқ, Ваҳоб Очилов эса кунжут етиштириш тажрибасини пухта эгаллаган. Мустақиллик маҳалласидаги 280 та хонадоннинг асосий қисми картошка етиштиришнинг ҳадисини олган.

Ушбу маҳалладаги Бўрон Каттабеков, Бойхўроз Тоғаев, Абдувойит Турдибеков ўз томорқаларидан бир йилда икки-уч марта картошка ҳосили олишмоқда. Уларнинг ҳар бири йилига ўртача 1,5-2 миллион сўм даромад қилишаётир.

Ҳудуддаги Работ маҳалласи аҳолиси эса чорвачиликка ихтисослашган. Работда етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотлари Гулистон ва Бахт шаҳарларидаги деҳқон бозорлари расталарини тўлдирмоқда. Эркин Жўраев, Раим Абдуллаев, Шароф Ибрагимовлар банкдан имтиёзли кредит олиб, ҳар бири чорвачилик фермаси ташкил қилган.

Ибратлиси шуки, иқтисодий жиҳатдан бақувват томорқадорлар кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож маҳалладошларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатишмоқда. Барқарор ривожланаётган фермер хўжаликларининг жамоалари ва томорқадорлар ўтган йили ҳудуддаги 26 та кам таъминланган оилага бепул қорамол тортиқ этдилар.

— Фуқаролар йиғини ҳудудида 8000 нафардан ошиқ аҳоли яшайди, — дейди Сайхунобод туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Очилой Шодмонова. — Томорқада меҳнат қилиб, меҳнатига яраша катта даромад олаётган, юртдошларимиз дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшаётган маҳалладошларимиз жуда кўп. Лекин ихтиёрига берилган томорқани ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ернинг умрини зое кетказаётганлар ҳам йўқ эмас. Айни кунда бўш ётган томорқалар ёш оилалар ихтиёрига берилмоқда. Бугунгача 10 та ёш оила томорқали бўлди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Олам турфа

РОМЕРОНИНГ АНТИКА ТОВУҒИ

Мексиканинг марказий қисмида жойлашган Уэкатитла қишлоғида истиқомат қилувчи Эльвира Ромеронинг товуқларидан бири яшил рангли тухум қўймоқда.

Рабанита лақабли бу товуқ ташқи кўриниши жиҳатидан бошқа товуқлардан ҳечам фарқ қилмайди.

"Товуғимнинг яшил тухум қўйиши сабабини тушунолмаяпмиз", дейди Ромеро.

Эндиликда Эльвиранинг хўжалиги ноёб хусусиятга эга бўлган товуқни кўриш истагидаги одамлар билан гавжум гўшага айланган.

ЭНГ МАЗАЛИ СУВ

Канаданинг Клирбрук шаҳрида ўтказилган танловда иштирок этган АҚШнинг 19 та штати ҳамда хорижий давлатларнинг йирик шаҳарлари орасидан Лос-Анжелеснинг ичимлик суви энг мазали сув деб топилди.

Антиқа танловда ичимлик суви мазаси, ҳиди, таркибидаги фойдали моддалари ва тозалигига қараб баҳоланди.

ҚИММАТБАҲО ҲОЛКИЮТЕРЛАР

Японияннинг Zeus Computer компанияси икки турдаги янги қимматбаҳо компьютерларни ишлаб чиқарди.

Янги Jupiter компьютерининг қопламаси платинадан, Mars компьютерининг қопламаси эса олтиндан ишланган. Бундан ташқари, ҳар икки компьютернинг қопламасида олмос ҳам бор.

Шунга кўра, Jupiter 750 минг АҚШ долларига, Mars эса 563 минг АҚШ долларига баҳоланмоқда. Компьютерларга 3 гигагерц частотасида ишлайдиган Intel Core 2 Duo E6850 процессори ўрнатилган бўлиб, икки гигабайт оператив хотирага эга. Ҳар бир компьютерга 24 дюймли суюқ кристалли монитор ҳам қўшиб берилади.

Кадриятларимиз қадр топмоқда

Самарқанд вилояти

"САМАРҚАНД ТАРОВАТИ"

ушбу ном билан аталувчи фольклор даста аъзолари 50 нафар маҳалла маслаҳатчиларидан иборат

Барчамизга маълум, ўтган йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали давомида кўҳна шаҳар байрам ва шодиёналар оғушида бўлди. Шу муносабат билан шаҳарга ташриф буюрган меҳмонлар тарихий обидалар билан бир қаторда халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Уларда айниқса, маҳалла маслаҳатчилари томонидан намойиш этилган концерт дастури катта таассурот қолдирди.

— Шаҳримиздаги маҳаллаларнинг маслаҳатчилари орасидан санъатга ошуфта, халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одат ва анъаналаримизни яхши биладиган 50 нафарини саралаб, шаҳар ҳокимлиги қошида "Самарқанд тароватн" фольклор дастасини тузганмиз, — дейди даста раҳбари, вилоят "Ногирон аёл" уюшмаси раиси ўринбосари Эътибор Маҳмудова. — Мақсадимиз қадимий ўлан, қўшиқ, ёр-ёр, лапар сингари халқ оғзаки ижоди намуналари ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлодга етказиш ва шу орқали улар қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, қадриятларимизга меҳр уйғотишдан иборат.

"Самарқанд тароватн" фольклор дастасининг фаол иштирокчиларидан бўлган Маъсуда Аҳмедова, Хосият Очилова, Моҳичеҳра Норматова, Мавжуда Жунаидова, Раъно Каримова, Сафура Носирова, Норчучук Баҳриева, Гулсара Жўрақулова, Ирода Юсупова каби маслаҳатчилар санъатда ҳам, маҳалла ишида ҳам бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар. Қувончли томони шундаки, улар ўз маҳаллаларида ҳам кичик дасталар тузиб, унга аёлларни жалб этишмоқда.

Даста аъзолари турли тадбир ва байрамларда қатнашиш билан бирга, мактаб, боғча ва лицейларда ҳам учрашувлар ўтказиб, концерт дастурларини намойиш этишяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *"Самарқанд тароватн" фольклор дастасининг чиқишларидан лавҳа.*

Жаббор НАБИЕВ олган сурат.

Истеъмолчига эслатма

«... Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан албатта утилизация қилиниши керак...»

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасидан.

Маслаҳатчи иш тажрибаси

Хоразм вилояти

МЕҲРДАН ЯШНАЙДИ МАҲАЛЛА...

... Наврўз яқинлашгани сайин Шовот туманидаги Кангли маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Соня опанинг ташвишлари янада ортди.

«Байрамни байрамдек ўтказиш керак. Токи маҳалладошлар уни йил бўйи эслаб юришсин», деган эзгу ният билан у маҳалла фаолларини ёнига олиб байрамга қандай тараддуд кўрилаётганини кўздан кечириш учун отланди. Улар Жумабой Худойбергановлар хонадонига келишганида, бу ерда катта темир ўчоққа дошқозон ўрнатилиб, сумалак пишириш тараддуди кўрилаётган эди.

— Сумалак базмига ўзингиз бош бўласиз, Соня опа, — деди хонадон соҳиби. — Маҳалладошларга байрамона дастурхон безаймиз. Санъаткорларни ҳам таклиф қилганмиз.

Маслаҳатчи бу жонкуяр ва саховатпеша инсондан миннатдор бўлди. Жумабой ака — «Мақсад» фермер хўжалигининг раҳбари. Фермер олаётган даромади ҳисобидан якка-ёлғизларга, ногиронларга саховат кўсатишни инсонийлик бурчи деб билади, маҳаллада ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда ҳам доимо фаол иштирок этади.

Кангли маҳалласида ана шундай тадбиркор ва ташаббускор инсонларнинг сафи кенгайиши, оилаларда осойишталик ҳукм суришида маслаҳатчининг хизмати катта. Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган Соня Плотникова одамлар қалбига осонликча йўл топа олади. Мана бир неча йилдирки, у йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасида фаолият кўрсатиб, маҳалладаги 825 та оиланинг қувончу ташвишлари билан яшамоқда.

— Маҳалламизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Айни пайтда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ишсизликни бартараф этиш. Бу борада муайян ишларни амалга оширдик, — дейди Соня опа. — Жумладан, маҳалла гузарида тикувчилик, тўқувчилик, этикдўзлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари бўйича тажрибага эга бўлган кишиларга ишлаш учун шароит яратиб бердик. Бундан ташқари, ҳудудда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхона очишни ҳам режалаштирганмиз. Ҳомийларни ҳам жалб қилганмиз. Яқин орада ушбу режани амалга оширсак, янги иш ўринларини яратиш имкониятига эга бўламиз.

Тиниб-тинчимас, фидойи маслаҳатчи, «Дўстлик» ордени соҳиби Соня Плотникова маҳалла ташвишлари билан яшашдан завқ олади. «Маҳаллам тинч, ораста, кўркам бўлсин» дейди у. Шу боис маслаҳатчи доимо маҳалладаги тўй-маъракаларни тартибли, камчиқим, файзли ўтказиш ҳаракатида. Маҳалла нозири Дониёр Пирматов, посбон Музаффар Бобожоновлар билан жиноятчиликнинг олдини олишда ҳамкор, ҳамфикр. Маҳаллада «Гулсевар оила», «Китобхон оила», «Ибратли қайнона ва келин», «Энг намунали кўча» каби бир қатор кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкил этишга ҳам Соня опа бош-қош бўлаётгани ушбу тадбирларнинг мазмунли ва самарали ўтишига асос бўлмоқда.

Абдулла САФОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Эй сиз одамлар, эсиз одамлар...

«УЛФАТИНГ ОЛАҚАРГА БЎЛСА...»

...Суд мажлиси белгиланган кун яқинлашгани сайин Ҳасан тобора бетоқат бўлиб, ўй-хаёли чувалашиб борарди. «Қандай жазо беришар экан», деган савол ўй-хаёлини куну тун банд этарди. Адвокат хотиржам бўлишга қанчалик ундамасин, енгилроқ жазо билан қутулиб кетишига Ҳасаннинг кўзи етмасди. Чунки, содир этган қилмиши анчайин оғир жиноятлар тоифасидан эканлигини яхши биларди. Айниқса, тергов даврида бу янада яққол аён бўлди. Терговчи унга ўхшаган кимсаларнинг қилмишлари қандай аянчли оқибатларга олиб келиши, бундай жиноятлар учун қандай жазо кўзда тутилганлигини айтганидан сўнг кўзи мошдек «очилди». Агар ўша куни Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари йўлидан чиқиб, қўлидан маҳкам тутишмаганда, ким билсин, яна неча кишини жиноят йўлига тортар эди... Кўз олдидан хотини, фарзанди ўтди. Бу қалтис йўлга қачон, қай тарзда кирганини эслай бошлади. Кўз ўнгида беихтиёр Тургали гавдаланди...

...Шаҳарда тентираб чарчаган Ҳасаннинг бир илинжи қолди, холос. У ҳам бўлса, героинни қандай бўлмасин Россия шаҳарларига юк ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчиларга ўтказиш эди. У эртагаёқ ана шу ишни қилишни дилига тугиб, қош қорайганда уйига қайтди...

Ҳасан бу кимса билан тасодифан танишиб қолган эди. Ўшанда у Қозоғистоннинг Қизилўрда шаҳрига ишлаш учун борган эди. Ўша шаҳарлик Тургали исмли кимса унинг Ўзбекистондан келганлигини билиб, яхши муомала қилиб, илтифот кўрсатиб юрарди. Айниқса, ишни якунлаб, уйига қайтар маҳалда уни ишга ёллаган одам меҳнат ҳақини бермай хуноб қилганида ана шу Тургали жонига оро кирди. Ўша одамни муросага чақириб, Ҳасаннинг иш ҳақини ундириб берди. Мусофир юртда бировдан яхшилик кўрган инсон буни анчагача унутмайди, вақти келса яхшиликни қайтаришни ҳам дилига тугиб қўяди. Ҳасан ҳам уйига қайтар чоғда Тургали билан илиқ хайрлашди, Чирчиқ шаҳридаги уйи манзилини айтиб, меҳмонга таклиф қилди. 2006 йил мобайнида қозоқ биродари бир неча марта келиб меҳмон бўлиб кетди. Ўшанда бу кимса уни яқин-ўртада не-не балоларга гирифтор этишини Ҳасан хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Келиб-кетиб юрган вақтида Тургали чирчиқлик оғайнисининг яшаш шароити, тотиш-тутишидан яхши хабардор бўлиб қолган эди. Қолаверса, Ҳасаннинг Тожикистон билан чегарадош Сирдарё вилоятида туғилиб-ўсганини ҳам билиб олган эди. Кунларнинг бирида Тургали Тожикистондан қурилиш хом ашёлари келтириб сотаётгани, бунинг орқасидан яхшигина даромад кўраётгани ҳақида гапириб қолди. Гап орасида Ҳасанга шерик бўлишни таклиф қилди. Ҳасан ўша тобда моддий томондан қийналиб тургани боис унинг таклифига дарров рози бўлақолди. Тез фурсатда мўмай даромадни қўлга киритиб, қозоғистонлик оғайнисига ўхшаб, киссасини пулга тўлдиришни кўзлаганди у. Тургали таклиф этган тижоратнинг моҳияти «бошқачароқ» экани эса кейинроқ аён бўлди: аслида Тургали уни тожикистонлик шерикларидан героин гиёҳвандлик моддасини олиб келиб, Қозоғистонга ўтказишда фойдаланиш учун ёллаган экан. Лекин жиноий йўл бошига келиб қолган Ҳасан шунда ҳам ақлини йиғиштириб олмади. Боши берк кўча томон янада ичкарилаб кириб бораверди...

Жиноий режани амалга ошириш учун Тургали уни Ховос туманининг чегара ҳудудига етаклаб келди. Сўғд вилоятининг Зафаробод туманидан улар билан учрашиш учун келган тожикистонлик йигитнинг исми Мурод бўлиб, Тургалининг эски ҳамтовоқларидан экан. Қисқагина танишувдан кейин Тургали Муродга кейинги сафар келганида героинни Ҳасанга топшириб кетиши лозимлигини тайинлади. Ҳасанга эса «товар»ни вақтинча сақлаш учун Чирчиқдаги уйига яшириб қўйиш вазифаси юкланди. Бу «арзимаган» хизмати учун унга Тургали 500 АҚШ доллари ваъда қилди.

2006 йилнинг 30 ноябрь куни қоронғи тушгач Ҳасан билан иккинчи учрашувга келган Муроднинг қўлида целлофан халта бор эди. Ҳасан ундан қабул қилиб олган беш ўрам «юк»ни Чирчиққа олиб бориб, уйи олдида жойлашган гаражлардан бирининг орқа тарафига яшириб қўйди. Мўмай пул «ҳидини сезган» Тургали уч кун деганда Қизилўрдадан етиб келди. Лекин у ваъдасини бажармади: Ҳасаннинг хизмат ҳақини бермади. Синаб кўриш учун бир чимдимгина «дори» олди-да, ғойиб бўлди. Мўмай маблағ орттиришни кўзлаб турган Ҳасан бу хавфли юкни яна қачонгача сақлаши кераклигини ҳам билолмай ҳайрон қоларди.

Шу куни кечга яқин қўнғироқ қилган Тургалининг сўзлари уни баттар хуноб қилди. Унинг айтишича, «дори»нинг сифати паст бўлгани учун уни қайтариб Муродга бериб келиш зарур эмиш. Лекин бу хавфли юкни яна қайтариб, Ховосга олиб боришга Ҳасан кўнмади, унинг Тургалидан ҳафсаласи пир бўлган эди. Лекин қандай бўлмасин ўзига тегиши лозим бўлган маблағни ундириб олишни кўзлаб, Тургалига героинни шу яқинатрофда ими-жимида пуллаб, Муродга ҳам пулини бериш, икки ўртада ўзларининг хизмат ҳақини ҳам чиқариб олишни таклиф этди. Тургали бу таклифга кўниб, агар героин олти минг АҚШ долларига сотилса, беш мингини Муродга бериб, қолганини беш юз доллардан ўзаро бўлишиб олишларини айтди. Тургали шу ўринда ҳам айёрлик қилди: героинга харидор топиш ва пуллашдек хавфли ишни Ҳасаннинг зиммасига юклади-қўйди.

Тошкент шаҳрида пана-пастқам жойларга бориб, харидор сўраб-суриштирган Ҳасаннинг иши юришмади. Чунки, оғуфурушлик сингари оғир жиноятнинг охири бахайр эмаслигини эсли-ҳушли аксарият фуқаролар яхши билишарди. Шаҳарда тентираб чарчаган Ҳасаннинг бир илинжи қолди, холос. У ҳам бўлса, героинни қандай бўлмасин Россия шаҳарларига юк ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчиларга ўтказиш эди. У эртагаёқ ана шу ишни қилишни дилига тугиб, қош қорайганда уйига қайтди...

Худди шу вақтда эса Ҳасаннинг жиноий режаси Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси оператив ходимларига маълум бўлган, оғуфурушни жиноят устида қўлга олиш бўйича тезкор тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Тезкор амалга оширилган тадбирлар натижаси ўлароқ, Ҳасан Қўлдошев хорижий мамлакатларга қатновчи ҳайдовчиларга героин оғусини пуллаш учун олиб кетаётган вақтида қўлга олинди. Беш ўрамдаги, жами оғирлиги 2,5 килограмм бўлган героин гиёҳвандлик воситаси Ҳ.Қўлдошевга нисбатан қўзғатилган жиноят ишига далилий ашё сифатида қўшилди. Қанча-қанча оилаларга бахтсизлик келтириши мумкин бўлган заҳри қотил муҳрлаб қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг очиқ мажлисида ушбу жиноят иши атрофлича кўриб чиқилди. Судланувчи содир этган жиноят далилий ашё, гувоҳлар, холислар ёрдамида тўла-тўкис исботланди. Суд ҳукми билан 34 ёшли Ҳасан Қўлдошев ўта йирик миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини чет давлатдан олиб кириб, республикамиз ҳудуди орқали бошқа хорижий мамлакатларга ўтказишга урингани учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 246-моддасининг 2-қисми, 25, 273-моддасининг 5-қисми бўйича айбдор, деб топилди ва 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бетайин кимсаларнинг алдовига учиб, осон йўл билан мўмай даромад кўриш илинжида жиноят кўчасига кирган кимса борки, охир-оқибат афсус-надомат чекиши тайин. Чунки халқимиз «Улфатинг олақарга бўлса...», деб бежиз айтмаган. Бу аччиқ ҳақиқат Ҳасан Қўлдошевнинг тақдири мисолида яна бир бор ўз исботини топди.

А.ИСЛОМБЕКОВ

Спорт

ПОЛВОНЛАР БЕЛАШДИ

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида кураш бўйича катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида юртимизнинг энг кучли тўрт юз нафарга яқин полвони етти вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқди.

Икки кун давом этган мусобақа натижасига кўра, ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган сурхондарёлик Абдулла Холиёров, Тўрабек Ўтаев, Ҳусан Ҳасанов, пойтахтлик Жонибек Муқимов, Шерали Жўраев, Яҳё Имомов ҳамда самарқандлик Элибой Иброҳимов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

СУРАТЛАРДА: *ўзбек миллий кураши бўйича халқаро тоифали ҳакам Г.ДЕҲҚОНОВА; беллашувдан лавҳа.*

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Аждодлар мероси

СОЗ СЕҲРИ

Мусиқа санъати юртимиз ҳудудида жуда қадимдан тараққий этган. Бироқ нота ёзуви пайдо бўлгунга қадар созандалар бу санъатни ёд олиш орқали авлоддан авлодга етказиб боришган, яъни устоз шогирдига куйларни чалиб, айтиб туриб ёд олдирган.

Тарихий манбалар, топилмалар қадимда ҳам халқ созандаларининг турли чолғу асбобларидан иборат ансамбллари бўлганлигини тасдиқлайди. Торли, пуфлаб ва уриб чалинадиган мусиқа асбоблари тузилиши жиҳатидан анча содда бўлишига қарамай, моҳир машшоқлар улардан усталик билан фойдаланиб, ўзига хос ва мураккаб куйларни ҳам маромига етказиб ижро этишган.

Афросиёб, Айритом, Холчаён, Тупроққалъа каби тарихий жойларда олиб борилган археологик қазишмалар чоғида сарой деворларида арфа, сибизға, уд, ноғора, чилтор, камонча билан чалинадиган чолғулар, эгилган шохга монанд карнайлар, рубобга ўхшаш мусиқа асбобларини чалиб турган санъаткорлар сурати топилган. Бу ўзбек мусиқа маданиятининг жуда қадимийлигидан далолат беради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек мусиқа санъати бой чолғу асбоблар арсеналига эга бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар Туркистон ўлкасига келган сайёҳлар, элчиларнинг хотира ва кундаликларида, жумладан, тарихчи, этнограф ва мусиқашуносларнинг айрим асарларида учрайди. Муаллифлар ўзлари иштирок этган турли маросим, сайил, тўй-томошаларда ижро этилган рақс ва мусиқалар, миллий чолғу асбоблари тўғрисида тўлқинланиб ёзадилар. Хусусан, 1813-1814 йилларда Тошкент ва Қўқонда бўлган Сибирь корпусининг таржимони Филипп Назаров ва элшунос Нил Ликошинлар миллий чолғуларнинг тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар қолдиришган. "Тошкент шаҳри атрофидаги баланд майдонга чодирлар ўрнатилиб, ҳар йили халқ сайли ўтказилади. Сайил бир ҳафта давом этиб, унда узлуксиз мусиқа, рақс ва ашулалар ижро этилади, цирк ва спорт ўйинлари уюштирилади", деб ёзади Филипп Назаров. Бундан ташқари, у яна "Тошкентликлар санъатни ниҳоятда севадилар, кўча майдонларида, боғларда актёрлар, мусиқачи ва рақ̆ҳослар муттасил томоша кўрсатадилар", деб қайд этади. Америкалик мухбир Мак Гахан эса 1873 йили Хивада бой хонадонлардан биридаги катта базмда қатнашгани ва у ерда куй ижро этган созанда ҳақида шундай хотирлайди: "У оддий бир мусиқа асбобида жуда ёқимли куй чалиб, йиғилганларни ром этди". Австриялик мусиқашунос Ф.Эйхгорн эса Қўқон хони саройи қошидаги оркестр раҳбаридан Қўқон қўшинлари маршини ва бошқа кўплаб куйларни ёзиб олиб, уни "Ўрта Осиёнинг мусиқа доҳийси" деб атайди. Шунингдек, у Қўқонда тўртта "Касабаи созанда" уюшмаси бўлиб, уларда кўплаб машшоқлар тўпланганлиги, уларда дутор, рубоб, барабан, сурнай, сетор, танбур, ғижжак, най, карнай каби мусиқа-чолғу асбоблари мавжудлигини баён қилади.

Ўтмишда мусиқа маданияти Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қўқон, Фарғона каби йирик шаҳарларда анча тараққий этган эди. Ўзбек мусиқаси ва ашулалари асосан байрамларда, Наврўз ва гул сайилларида, турли кўнгилочар йиғинларда ва тўйларда ижро этилган. Шундай сайилларда бири Зангиотада ҳар йили ўтказиб келинган. "Туркестанские ведомости" газетасининг 1870 йил 7 август сонида Эйхгорн қуйидагиларни ёзади: "Кўча тўла минглаб одамлар пиёда, отда, аробаларда томоша майдони томон ошиқмоқдалар. Биз ҳам тиқилинч ҳалқа ичида зўрға олға қараб силжидик... Ниҳоят томоша бўлаётган бир кўркам боққа келиб тушдик. Ҳамма ҳурмат қилиб, бизга ўлтиргани жой кўрсатар эди. Кенг боғ елкама-елка ўлтирган ўзбеклар билан тўлиб-тошган, ҳамма жойда томошабинлар. Атрофда қатор чодирлар тикилган, чиройли гиламлар тўшалган, ҳамма жойда тансиқ таомлар пиширилмоқда эди. Майдонда эса ҳар хил рангда мингларча фонарчалар иллюминацияга ўхшар эдики, шу тобда мен ўзимни қандайдир афсонавий бир мамлакатда ҳис этардим. Атрофимдаги ранг-баранг либослар кийган кишиларнинг кулгу ва қийқириқлари, ашула ва мусиқа садолари мени ҳайратда қолдирар эди..."

Эйхгорн ва Лейсек ўзбек мусиқасини илк бор илмий жиҳатдан ўрганган ва чолғулар коллекциясини тўплаган, Россия ва Европа мамлакатларида тарғиб этган кишилар эди. 1844 йили Австриянинг Ласкиц шаҳрида дунёга келган Эйхгорн Август мусиқа таълимини Венада олган. Сўнг Москва, Петербург ва Рига опера театрларида скрипкачи бўлиб ишлаган. 1870-1883 йилларда Тошкентда яшаб, ҳарбий оркестр капельмейстри бўлган. Тошкент ва Фарғона водийсида мусиқий фольклор намуналарини нотага туширган, мусиқа асбобларини тўплаган. У ўзбек, тожик халқ куйларини фортепьяно ва хонанда учун мослаштирган, ўзи ҳам мусиқий асарлар яратган. Эйхгорн томонидан тўпланган чолғу асбобларидан иборат коллекция 1872 йил Москвада, 1873 йил Венада жаҳон кўргазмасида намойиш этилган. Петербургда намойиш этилган иккинчи коллекцияси Москва консерваторияси томонидан сотиб олинган бўлиб, ҳозирда бу коллекциялар Москвадаги мусиқа маданияти давлат марказий музейида сақланмоқда.

Чехияда таваллуд топган Лейсек 1878 йил Тошкентга келган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолган. 1917 йилгача "Лира" хор жамиятини, кейин Туркистон мусиқа жамиятини бошқарган. 1918 йилдан сўнг Тошкент мусиқа техникумида ўқитувчилик, клубларда оркестрларга раҳбарлик қилган. Лейсек 1890 йили Москва кўргазмасига Ўрта Осиё халқ куйларининг 200 га яқин намунасини ёзиб юборган. Лейсек яратган "Осиёча попурри" Европа мамлакатларида ижро этилган биринчи ўзбек мусиқаси эди. Шунингдек, у "Ражабий", "Муножот", "Болжувон" каби халқ куйларини духовой оркестрда ижро этиш учун мослаштирган. 1928 йилда у ўзбек мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Мазкур бурж вакиллари айни кунларда ҳар доимгидан кўра фаолроқ бўлишларига тўғри келади. Шанба куни хўжалик ишларига кўпроқ вақт ажратинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Ишхонангизда юзага келадиган арзимаган муаммолар сабабли кайфиятингизни туширмасликка ҳаракат қилинг. Ҳозир асабийлашишнинг вақти эмас.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Шу кунларда режалаштириб қўйган ишларингизни амалга ошириш учун қулай фурсат юзага келади. Бундай имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)

Ҳафта бошиданоқ сизга ишда ҳамкорлик қилиш юзасидан бир қанча таклифлар тушади. Бамайлихотир ўйлаб кўргач, пайшанба куни янги шартнома имзолашингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Баҳорий кайфият сизга ҳафта давомида ёр бўлади. Ҳар бир ишни шундай кўтаринки кайфият билан бошлаган мазкур бурж вакилларини муваффақият кутмоқда.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Сизни узоқ пайтдан буён қийнаб келаётган муаммо ҳал бўлиб, ўзингизни анча енгил ҳис этасиз. Бу оила аъзоларингиз, дўст ва ҳамкасбларингиз билан муносабатингизга ҳам ижобий таъсир этади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ушбу ҳафтада рўй бериши кутилаётган бахтли тасодиф бир маромда кечаётган ҳаётингизга ранг-баранглик олиб киради. Ўз қувончингизни яқинларингиз билан баҳам кўринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Мазкур бурж вакилларини ҳафта бошида ўткинчи ва тушкун ўй-хаёллар безовта қилиб турса-да, ҳафта ўртасига келиб унинг ўрнини ишчанлик, ғайрат ва шижоат эгаллайди.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Истеъдодингиз ва касбий маҳоратингиз ҳамкасбларингиз томонидан эътироф этилади. Ҳафта мобайнида билдирилган ишончни оқлаш учун кўп куч сарфлашингизга тўғри келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Келаётган ҳафтада мазкур бурж вакиллари ишда ҳам, оилада ҳам, севги бобида ҳам ўзларини омади чопган инсон эканликларига яна бир бор ишонч ҳосил қиладилар.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Кўп вақтингизни уйда, оилангиз даврасида ўтказишга ҳаракат қилинг. Ҳозирча узоқ сафарларга чиқмай турганингиз маъқул. Иш борасида эса сизни хушхабар кутмоқда.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунларда ҳис-туйғуларга берилмасдан, уларни бироз жиловлаб турганингиз маъқул. Ортиқча ҳис-ҳаяжон режалаштирган ишларингизни барбод қилиши мумкин.

Наманган вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Кўрикда 36 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашиб, ўз маҳсулотларини намойиш этди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Наманган шаҳридаги «Зилол» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари Юнус Мирзабоев, «Энг яхши фермер» йўналишида Косонсой туманидан «Аҳмадхон ҳожи Косоний» фермер хўжалиги бошлиғи Анвар Абдуллаев танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Миллий кулолчилик анъаналарини давом эттириб келаётган поплик Ваҳоб Буваев «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди.

СУРАТДА: *Ваҳобжон Буваев шогирдлари Ёдгорбек Ўлмасов ва Рустам Рисқалиев билан.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) **олган сурат.**

Қашқадарё вилояти

ДЕПУТАТЛАР ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Вилоят Ёшлар марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда воҳа ёшлари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати, бугунги ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етганликлари, улар зиммасида жорий йилда турган масъулиятли вазифалар, мамлакатимизда ёшлар сиёсатига давлат аҳамиятидаги масала сифатида қаралишининг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари А.Абдуназаров, Ҳ.Маматов ва С.Турсуновлар «Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорида белгиланган тадбирлардан келиб чиқадиган вазифалар хусусида атрофлича тўхталдилар.

Тадбир қатнашчилари ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ва долзарб масалалар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ, «Mahalla» мухбири.

Билса ҳазил, билмаса...

"Заҳматкаш" экан...

Ароқхўрдан сўрадилар:

— Спиртли ичимлик саломатликка зарарли эканини биласизми?

— Албатта, буни ҳамма билади-ку!

— У ҳолда айтинг-чи, ҳар куни ароқ ичишга сизни нима мажбур қилади?

— Ҳеч нима мажбур қилмайди, мен кўнгиллиман...

Туғилган кун ҳам, ташвиши ҳам ўзимники!

— Дада, менга бугун 2000 сўм керак, — деди ўғил.

— Дадажонгинам, менга эса бугун 5000 сўм берасиз, хўпми? — эркаланди қиз.

— Ҳа, айтмоқчи, дадаси, менга ҳам беш-олти минг сўм қолдириб кетинг, ёдингиздан чиқмасин-а! — мулойимгина «огоҳлантирди» хотин. Оилабоши эса ҳайрон:

— Ё тавба, бугун сизларга нима бўлди ўзи?

— Нега ҳайрон бўласиз, дадаси? Бугун туғилган кунингиз, унутдингизми?..

Электр таъминоти

Ҳ.СОДИҚОВ чизган расм.

Мўъжизакор дунё

Энг тезучар самолёт

Англия муҳандислари гуруҳи Европа космик агентлиги кўмагида товуш тезлигидан ҳам юқори тезликда учувчи йўловчи самолётини яратишди.

«А2» деб ном олган мазкур самолёт Европадан Австралиягача бўлган катта масофани атиги 5 соатда босиб ўта олади. Самолётнинг умумий узунлиги 143 метрни ташкил этади ва 300 нафар йўловчини сиғдира олади. Авиалайнер соатига 6400 километр тезлик билан учиш қувватига эга. Бу товуш тезлигидан 5 марта юқори кўрсаткичдир. Таққослаш учун дунёдаги энг оммавий йўловчи самолёти «Boeing-737»нинг узунлиги 36,5 метрни, дунёдаги энг катта авиалайнер «А-380»нинг узунлиги эса 73 метрни ташкил этишини эслатиб ўтиш кифоя. Уларнинг бирортаси ҳам товуш тезлигидан юқори тезлик билан уча олмайди.

Антиқа қурилма

Японияннинг «Sony» корпорацияси кўзи ожизлар учун «SandBox PC» русумли телевизор ва персонал компьютер кўринишида махсус қурилма яратди.

Қурилма «Zen» операцион бошқарув тизими асосида ишлайди ва Брайл шрифтига асосланган. Шунингдек, «Sandbox» экранида рельефли (ғадир-будур) суратлар чиқарилади ва уларни кўзи ожиз инсонлар қўл билан ҳис этишлари мумкин.

Қурилма кўзи ожизларга ёрдам кўрсатиш дастури доирасида синов тариқасида ишлаб чиқилган ва ҳозирча уни оммавий равишда ишлаб чиқариш кўзда тутилмаган.

Бектемир туманидаги «DILSHODA-YULDUZI» хусусий корхонаси (ОКПО бўйича коди 18721585) тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 402-32-09. Манзил: Хусайн Бойқаро-9 «а».

Утерянный аттестат U № 2286409 выданный 2006 г. ср.школой № 267 Сергелийского р-на г.Ташкента на имя Ахмедова Камола Аброровна считать недействительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган «KARIM-JALIL BARAKA» (ОКПО бўйича коди 22069328, ИНН 300538136) хусусий корхонаси тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел: 116-22-20

Утерянная справка о купли-продажи выданный 05.01.2001 г. БТИ А.Икрамовского р-на на имя Рустамов Магерром Самандар-оглы на квартиру находящийся по адресу А.Икрамовский р-н Чиланзар-12, дом 19, кв 51 считать недействительным.

ЧФ «OLTIN VODIY BARAKA» (ИНН 206509447) Учтепинского р-на г.Ташкента сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО «OLTIN VODIY BARAKA».

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Меҳмондўст кўча 28-уй манзили бўйича 1982 йил 16 июнда Курбанова Хайри номига берилган уй плани йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧП «ALIXON» (код по ОКПО 15243197) Яккасарайского р-на г.Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 50640800 сумов до 6240800 сумов. Тел: 253-18-49

Утерянный диплом ЕТ-1 N 073079 выданный 1984 г. Ташкентским электромеханическим техникумом на имя Чуфистова Станислава Александровича считать недействительным.

Таш.гор.отд. Узбекско-парфюмерно-косметическая ассоциация (ИНН 203570424, код по ОКПО 17987045)Юнусабадского р-на г.Ташкента по решению собрания учредителей от 26.02.2008 г. ликвидируется.

Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации объявления. Адрес: Юнусабадский р-н ул.Гвардия полковника Ходжаева 1.

«Маҳалла» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими жамоаси Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон Халқ артисти Ортиқ Отажоновга онаси **ЧИННИ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:

Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Тахририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Тахририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Тахририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Тахририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 12 март 11 (613)

20250 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-220 Топширилди — 21.50
1 2 3 4 5 6